

ИНТЕРНЕТ МУЛОҚОТИ СИНТАКСИСИДА ПАРАЛИНГВИСТИК ВА МЕДИА ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРНИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7487535>



ELSEVIER



Received: 22-12-2022

Accepted: 22-12-2022

Published: 22-12-2022

Мадаминова Муҳаббат Сотволдевна

Алишер Навоий номидаги

*ТДЎТАУ Ўзбек филологияси факультети Ўзбек тилшунослиги кафедраси
катта ўқитувчиси*

Миразиз Сўйун

ТДЎТАУ 4 курс талабаси

Телефон: +99894-9591980

muhabbat_madaminoва@mail.ru



Abstract: Ушбу мақолада бугунги кунда интернет пайдо бўлгунга қадар мавжуд бўлган хусусиятларни ўзида жамлаган тилнинг янги фаолият доираси - Интернет мулоқоти ҳақида тадқиқ қилинди.

Keywords:... компьютер технологиялари, электрон мулоқот, интернет мулоқоти, паралингвистик воситалар

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 22-12-2022

Accepted: 22-12-2022

Published: 22-12-2022

Abstract: В этой статье было исследовано новое поле языка, которое включает в себя черты, существовавшие до появления Интернета сегодня, об интернет-общении,

Keywords:... компьютер технологиялари, электрон мулоқот, интернет мулоқоти, паралингвистик воситалар компьютерные технологии, электронная коммуникация, интернет коммуникация, паралингвистические средства.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 22-12-2022

Accepted: 22-12-2022

Published: 22-12-2022

Abstract: This article explores a new area of language that includes pre-Internet features about internet communication today.

Keywords:... компьютер технологиялари, электрон мулоқот, интернет мулоқоти, паралингвистик воситалар computer technologies, electronic communication, internet communication, paralinguistic tools.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Ҳозирги замон дунёси – бу «тингловчи» ва «кўрувчи одам» синтези даври. А.В.Соколов бугунги глобал ижтимоий коммуникация тизимининг шаклланиши борасида Канадалик профессор М.Маклюхан олдиндан башорат қилгани хусусида баён қилар экан, уни “электрон мулоқот даҳоси” деб атади. Электр ва электрон мулоқот воситалари, М.Маклюханга кўра, инсоният тарихидаги “коммуникацион инқилоб” дир. Замонавий мулоқот воситаларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар индивидуал сезгиларга эмас, балки инсоннинг бутун асаб тизимига таъсир қилади. Электрон мулоқот технологиялари янги технологик асосда сайёрамизни ягона “глобал қишлоқ” қа айлантиради. М.Маклюхан XX асрнинг 60-йилларида ўз башоратларини ўша пайтда пайдо бўлган телевидение

имкониятларидан бошлаб шакллантирган. У компьютер технологияларининг истиқболларини ҳисобга олмаган эди, чунки у даврда ҳали мулоқот воситасига айланмаган эди; шахсий компьютерлар, масофадан кириш имконига эга маълумотлар банки, электрон почта, “бутун дунё бўйлаб ўргимчак тўри – интернет” йўқ эди. Аммо Маклюхан “гипермедия” – мультимедия тизимларида амалга ошириладиган товуш, статик ва динамик тасвирлар бирлигини пайдо бўлишини олдиндан башорат қилган.

Экспериментал психолог олим П.М.Якобсон шахсни ҳаракатлантирувчи, фаолиятга рағбатлантирувчи мотивацион омилларнинг куйидаги ижтимоий-психологик турларини таснифлайди:

- 1) сиёсий, ахлоқий идеаллар;
- 2) таассурот олиш учун етарлича асосли манфаатлар (спорт, санъат ва ҳоказо);
- 3) кундалик ҳаётни ташкил этишга интилиш, меҳнат, ижодий фаолият ва оилавий ҳаёт ва бошқаларга лаёқат);
- 4) бирор нарсага кучли эҳтиёж (китоблар, пул ва ҳ.к.);
- 5) кучли туйғу (қадрлаш, севги, кўрқув, ғазаб, ғазаб, ачиниш ва ҳ.к.);
- 6) муайян вазиятларда керакли тарзда муносабат билдириш учун ички ишонч);
- 7) урф-одатлар (анъаналар, ахлоқ);
- 8) тақлид (ижтимоий тақлид, муайян хулқ-атвор намунасига тақлид ва бошқалар) .

Бизнингча, интернет мулоқоти ана шу тушунчаларнинг барчаси доирасида маълумот олиш, ахборот алмашиш, глобал микёсда ҳамфикрлар билан боғлана олиш, истаган машғулоти билан билвосита шуғулланиш имконияти тўйинтирилганлиги сабабли «аттрактор» сифатида бутун инсониятни ўзига жалб эта олди. Аттрактор – (инглизча attract – жалб қилмоқ, ўзига тортмоқ) динамик тизимлар фазали нукталарининг кўплиги билан характерланадиган, вақт ўқи давомида динамик тизим траекториясига тортилувчи ҳолат. Аттракторнинг ортида системани тўла эгаллаши, қоплаши мумкин бўлган нисбатан барқарор ҳолатлар ётади . Аттракторнинг энг оддий белгиси – бу ўзига тортувчи доимий нукта бўлиб, пировард натижада тизимнинг янги сифат босқичига ўтишига сабаб бўлади. Хусусан, бугунги шиддатли даврда дунёда кечаётган жараёнлар тилларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Тилшунослик фани пайдо бўлганидан бери тилшунослар оғзаки ва ёзма нутқ усуллари ҳақида гапириб келишган. Шунингдек, тил фаолият кўрсатадиган воситаларга алоҳида эътибор қаратилган: оғзаки нутқ учун – фонемик; ёзма нутқ учун – график; имо-ишора тили учун – визуал.

Бугунги кунда интернет пайдо бўлгунга қадар мавжуд бўлган хусусиятларни ўзида жамлаган тилнинг янги фаолият доираси – Интернет мулоқоти ҳақида гапириш мумкин.

Бу интернет фойдаланувчилари учун кундалик маиший мулоқот пайтида ҳам турли новербал воситалар: тасвирлар, фотосуратлар, аудио ва видео элементлардан фойдаланиш имконини берди. Шу билан бирга, нутқий мулоқот самарадорлигини таъминловчи паралингвистик воситаларнинг мақбул шакллари тобора кўпроқ излаб топмоқда. Турли даража ва кўламдаги мулоқот доираларида кенг қўлланилаётган замонавий «оғзаки-ёзма» интернет дискурсининг илгари тавсифланмаган жиҳатларини ёритиш, бугунги кунда тилда кечаётган оптималлашув жараёнларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзаро ижобий муносабат ўрнатиш аксарият суҳбатдошларнинг асосий коммуникатив мақсадидир. Бу мақсадга эришишда новербал воситалар муҳим аҳамиятга эга. Интернет мулоқоти билвосита жараён бўлиб, адресант → техник восита (телефон, компьютер) → адресат тарзида кечади. Табиийки, коммуникантлар бир-бирларининг юз-кўз ифодаларини, имо-ишораларини кўра олмайдилар. (Видеомулоқотда бунинг ҳам имкони пайдо бўлди.) Ҳиссий экспрессивлик даражаси шахслараро муносабатларга сезиларли таъсир кўрсатади: ҳис-туйғуларнинг қандай воситалар орқали узатилиши ва қанчалик тўғри амалга оширилиши ахборот мазмуни ва мулоқот таъсирчанлигини орттириши ёки камайтириши мумкин.

Интернет мулоқотининг инсон ҳаётининг барча соҳаларига кириб бориши ва етакчи воситалардан бирига айланиши тилга ҳам ўз таъсирини кучайтирмоқда. Тармоқли мулоқотнинг турли шакллари таркибини таҳлил қилиш тилнинг оғзаки ва ёзма мулоқот уйғунлигидаги функционал жиҳатлари, жумладан, синтактик хусусиятларини тадқиқ қилиш имконини беради. А.Л.Латипованинг ўринли таъкидлашича, интернет тилида содир бўлаётган ўзгаришлар вақт ўтиши билан кундалик тилга кириб боради ва шу билан тил тизимига, унинг сўз бойлигига таъсир қилади, шунинг учун сўнгги йилларда тилшунослар тармоқ мулоқотига алоҳида эътибор бера бошладилар. Бугунги давр кишисида “янги шиддатли виртуал дунё” шаклланиши ва ривожланишини кузатиш имконияти бор

Паралингвистик воситалар интернет мулоқотининг устун жиҳати сифатида қўшимча ахборот хусусиятига эга бўлиши билан бирга прагматик функцияларни бажариши билан ҳам тобора илмий жамоатчилик эътиборини тортмоқда. Уларнинг матн ва дискурсдаги ўрни ва роли борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Паралингвистика нутқий мулоқотга овоз тембри, интонация, йўтал, имо-ишора, гапириш услуби каби воситалар ёрдамида узатилаётган маълумот

муайян маънода тўлдирадиган ҳодисаларни ўрганади. Қабул қилувчининг белгилар ифодасига реакциясини ўрганиши жихатидан прагматикага яқин туради. Паралингвистика объекти турлича тушунилади. Тор маънода у талаффуз билан бирга келадиган товуш ҳодисаларини ўз ичига олади; кенг маънода оғзаки нутқ (фақатгина товушга оид бўлиши шарт эмас) билан боғлиқ жараёнларни назарда тутди; ва ниҳоят, энг кенг ёндашувда паралингвистика умуман нутқий фаолиятга ҳамроҳ бўлган ҳар қандай ҳодиса: товуш, график, кинетик ва бошқаларни ўз ичига олади .

- Нима сабабдан гумонсираганини билмайман. Билиб қолсам, Анвар деган лақма ошнам бор, ўшанга айтаман, сизга оқизмай-томизмай етказди. Кейинги пайтда шунақароқ бўлиб қолган, дердим.

Бу гапдан Анвар ранжиди. «Шуни одам деб йўқлаб келдимми?» деб. Ҳозир унинг пичингига жавоб қайтарса гап таллашиб қолишлари мумкинлигини билиб, индамади. Бошини ҳам қилиб ўтирди. Элчин бу ҳолатни пушаймонликдан деб тушуниб, жаҳл отидан тушди. Бирнафаслик сукут кераксиз гаплар сели йўлига тўғон бўлди (Т.Малик, «Шайтанат»).

«Бошини эгиб, индамай ўтириш» Анвар томонидан гап таллашишнинг олдини олиш мақсадини ифодаласа, бу кинесик ҳаракат Элчин (қабул қилувчи) томонидан «қилган ишидан пушаймон бўляпти» прагмемаси тарзида қабул қилинган.

Мана, орадан неча йил ўтиб ўз дарвозаси олдида учрашиб турибди. Чувринди худди ўшандаги каби «Полвон тоға!» деб бўйнидан қучгиси келди. Салом бергач, қучоқлашиб кўришиш мақсадида қўлларини икки ёнга ёйди. Лекин Ҳовуз полвон унинг шаштини қайтарди – ўнг қўлини узатиб қўя қолди. Атайин шундай қилдими ё одати шумиди, Чувринди билолмади (Т.Малик, «Шайтанат»). Матнда кинесик ҳаракатлар прагматик мазмун ифодалашга хизмат қилган. Ҳовуз полвоннинг қучоқлашиб кўришмай, ўнг қўлини узатиб қўя қолиши коммуникант кутган самимиятни бермаганлиги унинг ички эътирозига сабаб бўлди.

«Философская энциклопедия» (Фалсафий энциклопедия) луғатида паралингвистиканинг лингвистик ва ижтимоий-фалсафий моҳияти батафсил очиқ берилган. Паралингвистиканинг ривожланиши тилшунослик амалиёти ва чет тилини ўрганишда, бошқа миллат вакиллари билан мулоқот жараёнида, санъат, тиббиёт, суд тиббий-экспертиза каби қатор соҳаларнинг эҳтиёжлари учун ҳам аҳамиятли эканлиги таъкидланади. Масалан, шифокор касаллик белгилари кўринишида беморнинг нутқига ҳамроҳ бўладиган паралингвистик ҳодисаларни «ўқийди». Бундай ҳолларда паралингвистик ҳодисаларни идрок этиш ва талқин қилиш қобилияти махсус билим талаб қилади – паралингвистик элементлар қанчалик махсус бўлса, шунчалик мураккаб бўлади.

Интернет мулоқотида муайян ҳиссиётни ифодалаш учун ишлатиладиган паралингвистик (график) воситалардан бири тиниш белгиларидир. Ёзма нутққа хос бўлган тиниш белгилари ва бош ҳарфлар имлоси ҳам янгича услубий маъно касб этиб, ҳиссий эмоционалликни ифодалаш воситасига айланди. Ундов ва сўроқ белгиларини қатор қилиб бир нечта қўйиш, жумладаги гап бўлаклари орасида ва охирида кўп нуктани қўллаш, сўз ёки жумлани бош ҳарфлар билан ёзиш, айрим сўзлардаги ҳарфлар орасига ракамлар қўшиш, кириллча-лотинча алифбони аралаштириб қўллаш каби бир қатор янгича функционал усуллар пайдо бўлдики, буларнинг бари субъектив баҳо шакллари сифатида талқин қилинади. Бу ҳолатлар грамматик меъёрлардан чекиниш ҳисобланса-да, лекин «оғзаки-ёзма» сўзлашув жараёни учун услубий восита сифатида эмоционал-экспрессивликни ифодалаш вазифасини ўтайди.

Ким бўлишидан қатъий назар ИНСОННИ севишга ўрганинг, ўргатинг!
(«Фейсбук»дан)

Жумлада мантиқий урғу олган сўз бош ҳарфлар билан ёзилган. Ифоданаётган фикрга сўзловчи ўз субъектив муносабатини шу тарика таъкидламоқчи бўлган.

АНОР ҲОСИЛИ...ОНАМ ЭККАН АНОРЛАР... («Фейсбук»дан)

Интернет фойдаланувчиси томонидан ўз онасининг сурати ва анор расмига илова тарзида ёзилган бу ёзув «Онамдан ёдгорлик бўлган анор пишди» мазмунидаги прагмемани ифолайди ва кузатувчиларга (қабул қилувчиларга) ҳам ҳиссий таъсир кўрсатади. Таъсирчанликни ошириш мақсадида сўзлар тўлиғича бош ҳарфлар билан ёзилган.

Синтактик бирликлар мазмуни прагматик доирасининг кенгайиши ва турли модал маънолар ифодаланишида тиниш белгиларининг ҳам ўз ўрни ва роли бор. Масалан, сўроқ белгиси таажжуб, ғазаб, пушаймонлик, истехзо ва ҳақорат кабиларни ифодалаш учун ишлатилади.

a) истехзо: Мени сертификатим кани??? Камбағални туяни устида ит копада дегандай. Нима бало, уни ҳам гумдон қилдиларми???

b) таажжуб: Тушунмадим хазилми еки???

c) безовталиқ: Ким уйлайди буларни, ким????

d) ажабланиш: қатта адрес???

Айниқса, ундов белгиси ҳиссиётлар палитрасини ифода этишга ёрдам бериши билан диққатга сазовордир:

a) норозилиқ: Уларда яхшилик йўқ! Уларда яхшилик йўқ!! Уларда яхшилик йўқ!!! Муаллиф ўз фикрининг ўта муҳимлигини таъкидлаш мақсадида градация усулини ундов белгилари сонини кўпайтириб бориш орқали қўллаган.

- b) олқиш, миннатдорлик: Сизга ўхшаб теран фикрлайдиган инсонлар кўпайсин! Раҳмат!;
- c) таклиф: Нолдан бизнес бошлаш йўлини ўргатамиз!;
- d) табрик: Табриклаймиз Абусаид акамизни!!!;
- e) истехзо: Мард бўлса 4 мисра шъер ўкиб ўзи чиқсин. Уятееее!!!;
- f) киноя: «Аввал саводингни чиқар!!!» дейдиган одам йўқ...;
- g) кўллаб-қувватлаш: Сиз ажойиб иш қиляпсиз !!!;
- h) ҳамдардлик: Шукур ака, сизни куйинганиз қаергаям борарди!..;
- i) қувонч: Бувисини боласи!!!;
- j) таъкидни кучайтириш: Дўстнинг яхшиси бу сенинг оилангдир!!!.

Кўп нуқта ҳам ўзига хос функционалликка эга бўлиб, иккиланиш, афсусланиш, жим қолиш, мулоҳазакорлик каби маъно оттенкаларини ифодалашга хизмат қилади.

- a) афсусланиш: Мляяя... шундай...;
- b) мулоҳаза: Кимдир содда қилиб тушунтириш керак шекилли...;
- c) киноя, пичинг: Шунга ота гўри қозихонами...?! ;
- d) жим қолиш: Она минг ҳаяжонга берилди. Боради... .

Сўзловчи ўз суҳбатдошига нисбатан яхши муносабатда эканини билдирувчи сигнал юбориши муҳим, бу эса мулоқот муваффақиятини таъминлайди. А.С.Трачнинг фикрига кўра, айна пайтда оғзаки нутқнинг ҳажм, интонация, урғу, овоз тембри, таклид ва бошқа паралингвистик воситаларини ҳисобга олганда, у ёзма нутқдан анча бой . Шунингдек, имо-ишоралар, юз ифодалари, мулоқот пайтида ўзини тутиш, сўзловчининг ташки кўриниши ва бошқа белгилар ҳам нутқий таъсирнинг новербал воситалари ҳисобланади. Айна, ана шу воситалар ўрнини тўлдириш эҳтиёжи интернет мулоқоти жараёнига кулгичлар («смайликлар»), турли хил иллюстрациялар (эмодзи, мем, гиф, эмотикон ва бошқалар), анимацион тасвирлар каби нутқий таъсир воситаларининг пайдо бўлишига олиб келди.

Интернет мулоқотининг пайдо бўлиши билан паралингвистик воситалар рўйхати анча кенгайди. Гарчи бу иллюстратив воситалар анъанавий мулоқот жараёнида қўлланиб келинган бўлса-да, интернет дискурси уларни бир майдонга жамлаб, фойдаланиш учун қулай имконият яратиб берганлиги билан характерлидир. Бундай иллюстратив воситалар узатилаётган маълумотни осон англаш, коммуникантлар ўртасида ўзаро яқин муносабатларни шакллантириш, экспрессив бўёқдорликни таъминлаш каби катор вазифаларни бажаради. Шунингдек, бошқа маданият вакиллари билан уларнинг тилини билмасдан туриб мулоқот қилиш имконини беради. Табиатига кўра, булар паралингвистик воситалар бўлиб, мулоқотнинг жонли ва таъсирли бўлишини таъминлайди. Улар иштирокидаги мулоқот эса “универсал тил” деб ҳам юритилмоқда.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Соколов А.В. Общая теория социальной коммуникации: Учебное пособие. СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2002.
2. Якобсон П.М. Психологические проблемы мотивации поведения. – М., 1969. – С. 21-22; Якобсон Р. В поисках сущности языка // Семиотика. – М.: 1983. – С. 102-117; Якобсон Р. Избранные работы. – М.: 1985.
3. Нурмонов А., Рахимов А. Лингвосинергетикага кириш – Т.: Akademnashr, 2013.
4. Боева Е. Д. Когнитивная паралингвистика. – Анапа, 2005.
3. Боева Е. Д. Когнитивная паралингвистика. – Анапа, 2005.
4. Трач А.С. Особенности использования письменной речи в сети Интернет // Известия ЮФУ (Южный федеральный университет) Раздел I. Проблемы современной филологии. – Таганрог, 2010.
5. Хомский Н. Синтаксические структуры // Новое в лингвистике. – М., 1962.